

Хулқ инсонларга зийнат берадиган либосдур



17:26 / 20.01.2018 3610

Бу дунёга келган инсонларнинг барчаси бир-бирлари билан муомала қилмасдан иложи йўқ. Одамларнинг бир-бирлари билан қиладиган муомалалари худди меҳмонга қиладиган муомаладек ширин ва мулойим бўлиши шарт. Зеро, барчамиз бу дунёда вақтинчалик меҳмонмиз.

Бу тўғрида Оиша онамизга қилган панду-насихатларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деган эканлар: «Эй Оиша, ўзингга юмшоқликни лозим тутгин, қўполлик ва ундан пайдо бўладиган ёмонликлардан сақлан. Чунки, юмшоқлик аралашган ҳар бир нарса хуснлик бўлур ва юмшоқлик аралашмаган нарсанинг айблари кўриниб қолур».

Дарҳақиқат, юмшоқ, ширин сўзли кишини барча яхши кўради, қўпол кишидан эса ўзини четга олади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларини кўркам хулқли бўлишга чақириб шундай деганлар: «Қиёмат кунида мўъмин банданинг барча амаллари тарозуга қўйилганда энг тош босадиган амали яхши хулқдир. Аллоҳ таоло шармсиз, беҳаё сўз қилувчиларни ўзига дўст тутмас».

Ҳадисда келтирилишича: «Одамларга аралашмаган, уларнинг озорларига сабр қилмаган мўъминдан, одамларга аралашган, уларнинг озорларига

сабр қилган мўъмин афзалроқдур». Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни саҳобаларидан: “Хўш, кимни энг кучли одам деб ўйлайсизлар?”, деб, сўрадилар. Саҳобалар: “Рақибини тезлик билан енгадиган, йиқитадиган киши энг кучли полвон бўлади”, деб жавоб бердилар. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Йўқ, ундай эмас, жаҳли чиққанда ғазабини ичига юта оладиган киши энг кучли полвондир”, дедилар. Шу сабабдан Аллоҳ таоло ҳам ғазабини ичига юта оладиган кишиларни Қуръони каримда мақтаган:

«У тақводор зотлар яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиладиган, ғазабларини ичига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) авф этадиган кишилардир. Аллоҳ таоло бундай яхшилик қилувчиларни севади». (Оли Имрон сураси, 134-оят).

Ҳикоя қилишларича, улуғлардан бирининг хизматкори хўжайинига таом келтираётиб, оёғи чалишиб, йиқилади ва қўлидаги таом тўкилиб, гиламни булғайди. Хўжайин ғазабга тўлади, шунда хизматкор: “Эй тақсирим, Аллоҳ таолонинг сўзини эсланг”, дейди. “Аллоҳ нима деган?”, сўрайди, хўжайин. Аллоҳ таоло: “Ғазабни ютувчилар”, деган дейди хизматкор. Шунда хўжайин: “Майли мен ҳам ғазабимни ичимга ютдим”, дейди. Аллоҳ таоло яна: “Яхшилик қилувчиларни Аллоҳ севади”, деган дейди хизматкор. Шунда хўжайин: “Аллоҳ таоло учун сени озод қилдим”, деб хизматкорни қулликдан озод қилади ҳамда минг динор ҳадя беради.

Шу кичик ҳикоядан Аллоҳ жалла ва аълонинг ахлоқ-одобга чақирган бир ояти кишининг икки дунёсини ҳам обод қилиши мумкинлигини гувоҳи бўламиз. Бир оятга амал қилган хизматкор қул Аллоҳнинг раҳматига эришиб, иккинчи тарафдан мустақиллик, ҳурлик саодатига эришди.

**Ангрен шаҳар “Қорабоғ” жоме масжиди
имом-хатиби Ҳусниддин Бойниёзов**